


## VIII. ХИЗМАТЛАР

Иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган хизматлар соҳасининг аҳамияти жуда улкан ва долзарб ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёнларининг тобора мураккаблашиб бораётганлиги, бозорни кунлик ва индивидуал талабларга мос истеъмол моллари билан тўлдириш, инновацион ривожланишнинг жадал ўсиши жамият ҳаётининг янгиланишига олиб келади. Бу ахборот, молия, транспорт, сугурта ва бошқа турдаги хизматларсиз амалга ошмайди.

Хизматлар соҳасида 20,5 мингдан ортиқ корхоналар ва ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 109,5 % га кўпайди. Янги корхона ва ташкилотларни ташкил этиш, шунингдек, фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар томонидан инновацион технологиялардан фойдаланиш ва кўрсатилаётган хизматлар рўйхатини кенгайтириш келгусида иш ўринларини кўпайтириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга ёрдам беради.


### **Хизматлар соҳасига таалукли фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар сони, бирликда** (фермер ва деҳқон хўжаликларидан ташқари) 2020 йил 1 апрель ҳолатига



Маълумот учун: 2020 йил 1 апрель ҳолатига хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг сони 1,8 мингтага кўпайди. Ушбу соҳада фаолият юритаётган ва кичик бизнес субъектларига тегишли корхоналар ва ташкилотлар сони 1,7 мингтага кўпайди.

Энг юқори ўсиш савдо фаолияти билан шуғулланадиган корхона ва ташкилотларда қайд этилиб, 12,9 % ни ташкил этди. Уларнинг сони 1,0 мингтага кўпайди. Шу билан бирга, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар 23,1 % га ошганлиги қайд этилиб, 0,3 мингтага ортди.

**2020 йил 1 апрель ҳолатига корхона ва ташкилотларнинг умумий сонида хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётганларнинг улуси, %**  
*(фермер ва дехқон хўжаликларидан ташқари)*



2020 йил 1 апрель ҳолатига хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар таркибида энг юқори улушки савдо фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар 42,1 % ташкил этди.

Яшаш ва овқатланиш соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг улуси 8,2 % ни ташкил этди.

Хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг умумий сонида ташиш ва сақлаш фаолияти билан шуғулланаётган корхона ва ташкилотларнинг улуси 5,9 % га етди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида фаолият юритаётган ва ижтимоий хизматлар кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотларнинг улуси 3,8 % ни ташкил этди.


Ахборот фаолияти билан шуғулланувчи ва алоқа хизматларини кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотлар улуси 2,6 % га teng бўлди.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган (кўрсатилган) бозор  
хизматларнинг ҳажми ва ўсиш суръати  
(2020 йил январь-март ойлари учун)**

	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>	<i>умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
<b>Жами – хизматлар</b>	<b>2 604,6</b>	<b>111,1</b>	<b>100,0</b>
<i>жумладан асосий турлари бўйича:</i>			
алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	133,3	116,0	5,1
молиявий хизматлар	541,3	144,4	20,8
транспорт хизматлари	534,8	101,9	20,5
<i>шу жумладан: автотранспорт хизмати</i>	<i>520,8</i>	<i>102,3</i>	<i>20,0</i>
яшаш ва овқатланиш хизматлари	39,9	95,5	1,5
савдо хизматлари	790,7	104,7	30,4
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	80,2	103,2	3,1
таълим соҳасидаги хизматлар	114,6	118,0	4,4
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	45,4	90,2	1,7
ижара хизматлари	60,2	103,5	2,3
компьютерлар ва маший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	59,2	103,4	2,3
шахсий хизматлар	119,4	99,8	4,6
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	20,0	91,5	0,8
бошқа хизматлар	65,6	109,1	2,5

Хизматлар таркибида энг катта улушни савдо хизматлари (30,4 %), молиявий хизматлар (20,8 %), транспорт хизматлари (20,5 %), ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (5,1 %) ташкил этади. Хизматлар умумий ҳажмida паст улушларни меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (0,8 %) ва яшаш ва овқатланиш хизматлари (1,5 %) эгаллади.

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматлар таркиби,**  
 (2020 йил январь–март, жамага нисбатан фоизда)




Бозор хизматларининг умумий ҳажмидағи савдо хизматлари 30,4 % энг юқори улушни ташкил этади. Савдо оддий тақсимлаш механизмидан истеъмолчига йўналтирилган бозор талабларини шакллантириш жараёнларида фаол иштирокчига айланди. Ҳозирги вақтда, савдо хизматлари иқтисодиётда кўрсатилган жами хизматлар ҳажмининг сезиларли қисми ҳисобланади.

Савдо хизматлари таркибида чакана савдо (автомобиллар ва мотоцикллар савдосидан ташқари) хизматлари юқори улушни ташкил этади –85,6 %.



“2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш Дастури”ни амалга ошириш натижасида молиявий хизматлар – 144,4 фоиз, таълим соҳасидаги хизматлар – 118,0 фоиз, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари – 116,0 фоизга, юқори ўсиш суръатларига эришилди.

**Иқтисодиёт фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган  
бозор хизматларининг ўсиш суръатлари, %  
(2020 йил январь-март ойлари учун)**



Республикамизда кредит сиёсати бўйича олиб борилаётган ислоҳотларнинг давом этирилиши молиявий хизматларнинг ўсишига имконият яратди. 2020 йилнинг январь-март ойларида молиявий хизматларнинг ўсиш суръати 144,4 % ни ташкил этди. Шу билан бирга, энг юқори ўсиш суръатлари таълим соҳасидаги хизматлар (118,0 %), алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги хизматлар (116,0 %) ва бошқа хизматларда (109,1 %) қайд этилди.

Хизматлар таркибида савдо хизматлари – 30,4 % улуш билан етакчи ўринни эгаллайди. Савдо хизматлари ҳажмининг ошиш омиллари янги бино ва иншоотларни куриш ва реконструкция қилиш, саноат зоналарини ташкил этиш ва кенгайтириш, савдо тармоқларини кенгайтириш, туризм фаолиятини ривожлантириш ҳисобланади.

Транспорт хизматлари таркибида автомобиль транспортининг улуши 20,0 % билан устунликка эга.

Хизматлар умумий ҳажмида паст улушлар яшаш ва овқатланиш соҳасидаги хизматлар (1,5 %) шунингдек, меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (0,8 %) га тўғри келган.

**Ҳудудлар кесимида хизматлар ишлаб чиқариш**  
**(2020 йил январь-март ойлари учун)**

	Жами			Аҳоли жон бошига	
	млрд. сўм	2019 йилнинг январь- мартига нисбатан %	жами хизматлар ҳажмида худудоларнинг улуши	минг сўм	2019 йилнинг январь- мартига нисбатан %
<b>Андижон вилояти 1)</b>	<b>2 604,6</b>	<b>111,1</b>	<b>100,0</b>	<b>831,2</b>	<b>108,9</b>
<i>шаҳарлар:</i>					
Андижон	1 309,9	117,1	50,3	2 958,8	114,9
Хонобод	32,9	104,1	1,3	772,5	102,2
<i>туманлар:</i>					
Олтинкўл	80,3	106,2	3,1	453,9	103,9
Андижон	129,3	106,5	5,0	492,6	104,2
Баликчи	109,2	104,8	4,2	546,7	102,7
Бўйстон	26,8	104,7	1,0	372,9	102,6
Булоқбоши	65,3	104,9	2,5	459,8	103,0
Жалакудук	81,4	105,1	3,1	439,5	103,4
Избоскан	113,0	106,1	4,3	477,2	103,9
Улуғнор	18,6	103,6	0,7	312,6	101,7
Кўрғонтепа	107,3	105,0	4,1	498,4	103,0
Асака	155,0	106,9	6,0	475,0	104,8
Марҳамат	81,3	106,0	3,1	471,5	104,0
Шахрихон	148,5	106,3	5,7	498,1	104,0
Пахтаобод	86,3	105,2	3,3	449,2	103,2
Хўжаобод	59,6	104,6	2,3	542,9	102,3

1) Ҳудудлар бўйича тақсимланмайдиган ҳажмларни қўшган ҳолда

Шаҳар ва туманлар кесимида хизматларнинг энг юқори ўсиш суръати Андижон шаҳри (117,1 %) га тўғри келди.


Вилоят бўйича кўрсатилган хизматларнинг 50 фоиздан ортиғи Андижон шаҳри (50,3 фоиз), Асака тумани (6,0 фоиз), Шахрихон тумани (5,7 фоиз) ва Андижон (5,0 фоиз) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

Энг паст ўсиш суръатлари Улуғнор тумани (0,7 %), Бўстон тумани (1,0 %), Хонобод шаҳри (1,3 %), Хўжаобод (2,3 %), Булоқбоши (2,5 %) ва Олтинқўл (3,1 %) туманларида кузатилди.

2020 йил январь-март ойларида аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 831,2 минг сўмни ташкил қилди. Ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 108,9 % ни ташкил этди.

Ушбу кўрсаткич худудлар ўртасида Андижон шаҳрида 2 958,8 минг сўмдан Улуғнор туманида 312,6 минг сўмгача оралиқни ташкил этади.

**Ҳудудлар бўйича аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматларининг ҳажми ва ўсиш суръати  
(2020 йил январь-март ойлари учун)**



Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар бўйича энг юқори кўрсаткич Андижон шаҳрида – 2 958,8 минг сўмга teng бўлиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 114,9 % ни ташкил этди.

Бундан ташқари, аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажмининг сезиларли ўсиши Андижон шаҳрида (114,9 %), Асака (104,8 %), Андижон (104,2 %), Марҳамат (104,0 %) ва Шаҳриҳон (104,0 %) туманларида кузатилди.

Аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматларнинг энг паст кўрсаткичи, Улуғнор (312,6 минг сўм), Бўстон (372,9 минг сўм) туманларида кузатилди.

Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш, унинг таркибини, етарлича ривожланган жамият ва ривожланган эҳтиёжлар билан такомиллаштириш мумкин ва бу умуман ҳаёт сифати каби ҳодиса билан боғлиқ, чунки турли эҳтиёжларни қондириш жараёни ҳаёт сифатининг муайян стандартини яратади.

